

Аёлларни эъзозлаган юрт



Донолар айтганидек, дунёда аёл меҳрининг баҳосини ўлчайдиган меъзон, тенглаштирадиган бойлик йўқ. Аёл деган улуғ ҳилқатда нозик таъб, буюк қалб, бетакрор фидоийлик, она жасорати мужассамдир.

Қумқўрғон туманида 8-март халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан туман ҳокимлиги томонидан БАРАКА савдо мажмуасида ташкил этилган байрам тадбири ҳам ўзгача шукуҳ, кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди.

Байрам муносабати билан Пойтахтимиздан ташриф буюрган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Алишер Файз томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.